ҚЎШМА ГАП ТАСНИФИГА ДОИР

Ҳ.Р.Зокирова

В статье предпринята попытка новой классификации сложных предложений узбекского языка по виду подчинительной связи (паратаксис и гипотаксис).

In clause the attempt of new classification of the complex offers of the Uzbek language by the form which depend of communication (parataxis and gypotaxic) is undertaken.

Ўзбек анъанавий тилшунослигида қўшма гаплар бўйича Ғ.А.Абдураҳмонов [1], эргашган гаплар юзасидан М.Асқарованинг [2,3] кўламли тадқиқотлари мавжуд. Бу асарларда қўшма гаплар таснифи, эргашган қўшма гаплар турлари, қўшма гап таркибидаги содда гапларни боғловчи воситалар грамматик, семантик жиҳатдан тадқиқ қилинган. Ҳозирги кунга қадар ўзбек тилида қўшма гаплар уч турга бўлиб ўрганилган: 1) боғловчисиз қўшма гаплар, 2) боғланган қўшма гаплар, 3) эргашган қўшма гаплар. Уларда қўшма гапни ҳосил қилишда грамматик воситалар (боғловчилар, юкламалар, кўмакчилар, келишик формантлари), лексик-грамматик воситалар (сифатдош, равишдош, шарт феъли, буйруқ феъли, ҳаракат номи) ўрни, лексик воситаларнинг фақат қўшма гапни тузиб қолмасдан қўшма гап қисмлари орасида маълум семантик муносабатларнинг ўрнатилиши учун ҳам хизмат қилиши асосли кўрсатиб ўтилган.

Р.Сайфуллаева қўшма гапларни шакл-вазифавий (формал-функционал) жиҳатдан тадқиқ қилган. Мазкур ишда қўшма гапларнинг янги таснифи келтирилган: 1) нутқий (контекстуал) боғланган қўшма гаплар (wPm, wPm); 2) тобе таркибли қўшма гаплар (wPm → wPm); 3) мутаносиб қисмли қўшма гаплар (wPm ↔ wPm) [4].

Мазкур таснифдан кўринадики, нутқий боғланган қўшма гаплар боғловчисиз қўшма гапларга, тобе таркибли қўшма гаплар билан мутаносиб қўшма гаплар эргашган қўшма гапларга тўғри келади. Бу таснифда грамматик қурилишга формал-функционал жиҳатдан ёндашилиб, предикативлик кўрсаткичларига (Pm) эга бўлган ҳар қандай гап мустақил тил бирлиги (w) эканлиги кўрсатилган. Демак, Н.Маҳмудов таъкидлаганидек, тилнинг ички структурасини, унинг тузилиш бирликлари ўртасидаги муносабатларни ўрганиш, шубҳасиз, зарур, аммо структуралистлар каби шунинг ўзи билангина чекланиш мақсадга мувофиқ эмас [5;45].

В.Г.Адмони қўшма гапларнинг қуйидагича таснифини келтиради: 1) паратаксис (элемент гаплар тенг ҳуқуқли); 2) гипотаксис (элемент гаплар зич алоқага кирган); 3) гипертаксис (элемент гаплар бир-бирига пайвандланган). Гипертаксисга В.А.Адмони ўта тобеланишга эга бўлган, мураккаблашган содда гапларни (оборотли, кириш гапли, абсолют конструкцияли) киритади [6;30-36]. Аммо В.А.Адмонининг паратаксисда элемент гаплар тенг ҳуқуқли бўлади, деган фикрига қўшила олмаймиз, бу ўринда тенг ҳуқуқли дейилиши нисбийдир. Чунки **паратаксисда** тобе муносабат имплицит тарзда бўлади: *Доно гапирмайди, нодон вайсайди. Мен биламан, сен донг чиқаришни яхши кўрасан.* Бу мисолларда оддий шаклдаги икки (доно гапирмайди, нодон вайсайди; мен биламан, сен яхши кўрасан) семантик ядро мавжуд. Тобе муносабатнинг имплицит тарзда ифодаланиши тобеланиш даражасининг пастлигини кўрсатади, шу сабабли бу семантик ядро содда гапнинг семантик ядросидан бошқа семантик ядролар билан қўшилиш, уйғунлашиш хусусиятига эга эканлиги билан фарқланади.

Тилда икки содда гапни грамматик ва айни пайтда семантик жиҳатдан боғлаш натижасида янги мазмунга, янги сифатга эга бўлган синтактик бутунлик юзага келади. Бундай синтактик бутунликларни иккига ажратиш мумкин: 1) паратаксис; 2) гипотаксис. Гипотаксис (грек. Hupo - ости + taxis – жойлашув) гапларнинг эргаштирувчи боғловчи воситалар ёрдамида тобеланишидир. Гипотаксиснинг зидди паратаксис (грек. parataxis – қатор тизиш) эса гапларнинг ўзаро эргаштирувчи воситалар ёрдамисиз боғланишидир [7;29,65. 8;100,311. 9;70,202]. Демак, икки содда гапни грамматик-семантик жиҳатдан эргаштирувчи боғловчи воситалар ёрдамисиз ва улар орқали боғлаш мумкин, биринчи ҳолатда паратаксис юзага келса, иккинчи ҳолатда гипотаксис юзага чиқади. Ҳар икки ҳолатда ҳам тобе муносабат мавжуддир, фақат уларда боғловчи воситаларнинг қўлланишига кўра тобелик турли даражада бўлади, шунга кўра улар ўз ичида яна турларга бўлиниб кетади.

Ушбу мақолада биз гипотаксис турларига тўхталамиз. Агар содда гапларнинг ҳаммасида истисносиз такрорланадиган умумий белги асосидаги инвариантни *Ppm*(*P* пропозиция, *p* предикат, *m* предикативлик шакли) [10;161] деб олсак, бунда гипотаксиснинг инварианти *Ppm* + *Ppm* бўлиши керак,

аммо бу ҳолатда *Ppm ≠ Ppm*, яъни бири *Ppm* мустақил бўлса, иккинчи *Ppm* мустақил эмас, у тобе бўлади. Демак, содда гап инварианти бўлган *Ppm* гипотаксис таркибида янги сифатга эга бўлади. Шу сабабдан гипотаксисда иккита *pm* бўлиши шарт эмас, унда иккита *P* бўлади, яъни гипотаксис *PPpm* ҳам бўлиши мумкин. Шунга кўра, гипотаксиснинг икки хил моделини ажратишимиз мумкин: 1) *PpmPpm*; 2) *PPpm*. Кўринадики, гипотаксиснинг доимий белгиси эксплицит тарзда ифодаланган грамматик тобе муносабат бўлиб, иккита пропозицияга эга эканлигидир. Масалан, *Чўл қанча иссиқ ва жазирама бўлса, қовун ҳам шунча ширин ва мазали бўлади. Мен шуни биламанки, сен шахматни яхши ўйнайсан. Томчи томиб бўлгунча, дарё оқиб бўлади (Мақол).*

Гипотаксиснинг инварианти *PpmPpm* бўлганда, иккала содда гапда ҳам семантик ядро мавжуд, аммо улар мазмунан тобе боғланган, бири иккинчисидан ажаратилганда, гипотаксис бузилади, янги қабул қилган сифатини йўқотади. Гипотаксиснинг инварианти *PPpm* бўлганда эса, тобе муносабатга киришган иккала содда гап учун бир семантик ядро бўлиб, унинг қисмлари мазмунан жуда зич боғланган, бундай бутунликнинг қисмларини ажратишнинг иложи йўқ.

С.Усмонов глоссематик функцияларнинг (яъни тобеликнинг) учта типи борлигини кўрсатиб ўтган: 1) икки томонлама тобелик (ёки интердепенденция). Бу бири иккинчисисиз мавжуд бўлмайдиган икки элемент орасидаги муносабатдир; 2) бир томонлама тобелик (ёки детерминация). Бу бири бошқасининг бўлишини талаб қиладиган икки элемент орасидаги муносабатдир; 3) эркин тобелик (ёки констелляция). Бу бири иккинчисиз мавжуд бўла оладиган икки элемент орасидаги муносабатдир [11;187].

Гипотаксис турларини тобеликнинг даражасига, унинг компонентлари орасидаги муносабатга қараб белгилаймиз. Гипотактик бутунлик компонентларида тўлиқ предикация мавжуд бўлиб, синтактик бутунлик оддий шаклдаги семантик ядрога эга бўлса, тобе муносабат паст даражада бўлади. Гипотаксис компонентларининг бирида тўлиқ бўлмаган предикация бўлиб, у иккинчи предикация билан бирга оддий шаклдаги бир семантик ядрога эга бўлса, ўрта даражадаги тобе муносабатда юзага чиқади. Оддий шаклдаги семантик ядро тобе қисмга жойлашади, ҳоким қисмдаги тўлиқ бўлмаган предикация эса семантик ядрога уланади.

Агар гипотаксис компонентлари (ҳоким қисм ҳам, тобе қисм ҳам) тўлиқ бўлмаган предикациядан иборат бўлса, бундай синтактик бутунлик мураккаб шаклдаги бир семантик ядро атрофида уюшади ва тобеланишнинг юқори даражасига кўтарилади. Гипотаксис компонентларининг бири 0 кўрсаткичли предикацияга эга бўлса, бундай ҳолатда тобеланиш ўта юқори даражада бўлади. Демак, гипотаксис компонентлари орасида тобеланиш бир хил бўлмайди, шунга кўра гипотаксиснинг қуйидаги турларини ажратиш мумкин: 1) қуйи тобеланишга эга бўлган G1 (оддий шаклдаги икки семантик ядро) — эркин тобелик (ёки констелляция); 2) ўрта тобеланишга эга бўлган G2 (оддий шаклдаги бир семантик ядро) — бир томонлама тобелик (ёки детерминация); 3) юқори тобеланишга эга бўлган G3 (мураккаб шаклдаги бир семантик ядро) — икки томонлама тобелик (ёки интердепенденция); 4) ўта юқори тобеланишга эга бўлган G4 (ўта мураккаб семантик ядро) — бир томонлама ҳукмронлик (ёки супердетерминация).

Кўринадики, гипотактик бутунликлар тўрт турга бўлинади. Бу ҳолатни қуйидаги шакл орқали кўрсатиш мумкин:



1. G1 да оддий шаклдаги икки семантик ядро бўлади, гипотаксис компонентларида тўлиқ предикация мавжуд. Масалан, *Мен шуни биламанки, сен донг чиқаришни яхши кўрасан. Қаландаров бутун кунини уйида ўтказди, чунки ўғли Козимбекни қаттиқ соғинган эди.* Бу мисолларда икки семантик ядро мавжуд: *мен биламан, сен яхши кўрасан; Қаландаров ўтказди, у соғинган эди.*

2. G2 да компонентларидан бири тўлиқ бўлмаган предикация билан ифодаланса, у иккинчи компонентнинг предикати билан уйғунлашади ва ўрта даражали тобеланиш юзага келади: *Домла тезда келавермагач, ўқувчилар безовта бўла бошладилар. Ўтган куни Саида тамаки саройидан ишдан қайтиб келаётганида, орқасидан Мирзақул ҳам етиб келди.* Биринчи гапда ўқувчиларнинг

безовта бўлишига домланинг келмаётганлиги тушунчаси қўшилиб бутун бир тугал маъно ифодаланмоқда.

3. G3 да тобе муносабатга киришган компонентлар шу даражада бирикадики, уларни ажратиш мумкин бўлмай қолади, натижада юқори тобеланиш юзага келади. Бундай муносабатларни икки томонлама тобеланиш деб ҳам аталади. Масалан, *Насиба қанчалик сергап ва сермулозамат бўлса, Маҳбуба шунчалик камгап, камсуқум эди. Чўл қанча иссиқ ва жазирама бўлса, қовун ҳам шунча ширин ва мазали бўлади. Сиз қаерни хоҳласангиз, ўша ер менга ёқади.*

4. G4 да ҳоким гаплар фақат структур элементлардан ёки структур элементлар билан феълнинг алоқасидан ёки умумий тушунчани ифодалайдиган номлардан таркиб топади. Бу гапларда асосий тушунча тобе қисм орқали ифодаланади, коммуникатив вазифа тобе қисмга юклатилади, ҳоким қисм 0 кўрсаткичли предикацияга эга бўлади. Бундай гаплар икки вазифани бажаради: 1) гипотаксис бутунлик учун устун вазифасини бажаради; 2) уни олдинги бутунликлар орқали ифодаланган тушунчалар билан боғлайди. Масалан, *Шунга қарамай, гузарда одам кўп эди. Шунга биноан, қариндошларингиз назорат остига олинди.*

Бир-бирини тақазо этувчи, бир-биридан ажралмайдиган тобе муносабатга киришган бундай гипотаксис компонентлари ўта юқори тобеланиш даражасида бўлади деб айтишимиз мумкин. Демак, гипотаксис қисмлари орасидаги тобелик муносабати бир хил эмас. Гипотаксис қисмларини боғловчи воситаларнинг семантик ядрога таъсири натижасида тобеланишнинг тўрт даражаси ажралади. Шунга кўра гипотаксиснинг тўрт турини ажратишимиз мумкин:



Кўринадики, қўшма гаплар икки турга (паратаксис ва гипотаксис) бўлинади, паратаксисда икки содда гап грамматик-семантик жиҳатдан эргаштирувчи боғловчи воситалар ёрдамисиз боғланса, гипотаксисда эргаштирувчи боғловчи воситалар орқали боғланиб, янги сифатга эга бўлган синтактик бутунликни ҳосил қилади.

Адабиётлар:

1. Абдураҳмонов Ғ.А. Қўшма гап синтаксиси.-Т.: Фан, 1964.
2. Асқарова М. Ҳозирги ўзбек тилида қўшма гаплар.-Т.: Фан, 1960.
3. Аскарова М.А. Способы подчинения и типы придаточных предложений в современном узбекском языке:.АДД.-Т., 1963
4. Сайфуллаева Р. Ҳозирги ўзбек адабий тилида қўшма гапларнинг шакл-вазифавий (формал-функционал) талқини. Филол.фан..ном. ....дисс. автореф.-Т.,1993.
5. Маҳмудов Н. Кесимнинг гапдаги мақоми.//Ўзбек тили ва адабиёти.-2009.- № 1.-Б.44-56.
6. Адмони В.Г. Сложноспаянные предложения в тюркских языках.//Советская тюркология.- 1982.- № 3. - Б.30-36
6. Ҳожиев А. Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати.-Т.: Ўқитувчи, 1985.- Б.29,65.
7. Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов.-М., 1966.- С.100-311.
8. Марузо Ж.Словарь лингвистических терминов.-М.: Иностранная литература,1960.- С.70-202
9. Набиева Д. Ўзбек тилининг турли сатҳларида умумийлик-хусусийлик диалектикасининг намоён бўлиши. –Т.: Шарқ, 2005. – Б.161
10. Усмонов С. Умумий тилшунослик.-Т.: Ўқитувчи,1972.- Б.187

Андижон Давлат университети,
2009 йил 7 майда қабул қилинган
(Тақризчи: ф.ф.д. А.Собиров)